

## КОНСТИТУЦИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА БИЛИМ ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

**Шаҳноза Холмахматова**

Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети 2-курс магистранти, Илмий раҳбар – ф.ф.д., проф. в.б. Г.Ғ. Ғаффарова

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бош қомусимиз тамойиллари ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, билим, давлат, ёшлар, ислоҳот, таълим, имконият, янги авлодни тарбиялаш.

### КИРИШ

Билим – муваффақият. Билимсизлик эса мағлубиятдир. Улуғ аждодларимизнинг таълим, ўқиш-ўрганиш ҳақидаги кўплаб фикрлари, ҳикматлари замирида ана шу маъно-мазмун мужассам. Наинки бир шахс, балки бутун бир мамлакат, халқ миқёсида олганда ҳам мазкур фикрнинг қанчалик ҳаққонийлиги намоён бўлмоқда. Мушоҳада қилиб кўрайлик, бугун фуқаролари юксак билим, сифатли таълимга эга халқлар, мамлакатлар ҳар жабҳада пешқадам. Спорт бўладими, санъатми ёки саноатми, барчасида юқори натижаларга эришяптилар.

Аччиқ бўлса-да, очиқ айтиш керак – яқин ўтмишда айнан таълим тизимимиз оқсагани учун илм-фан, замонавий технологиялар ва бошқа талай йўналишларда кўп давлатлардан ортда қолдик.

Муаммонинг биринчи ечими шу муаммо борлигини тан олишдир, дейди алломалар. Шу маънода олганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк давридаёқ таълим соҳасидаги муаммоларни очиқ-ошкора тилга олгани, кенг жамоатчилик эътиборини кечиктирилмай ҳал қилиниши зарур ана шу масалаларга қаратгани ғоят ибратлидир.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бу қандай муаммолар эди? Масалан, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш беш йил аввал 26 фоиз эди. Боғчалар етишмасди. Мактаб, коллеж, институтларнинг

ҳам моддий базаси заифлашганди. Маош камлиги ва маънавий рағбат йўқлиги боисидан билимли, тажрибали ўқитувчилар таълим тизимидан бутунлай кетиб қолганди. Жамиятда таълимнинг нуфузи тушиб кетиши оқибатида ўсмир-ёшларнинг унга қизиқиши камайганди. Таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқалар деярли ривожланмаганди.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Муаллимларнинг “хўжайини” кўпайиб кетди. Бундай ножўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Энг юқори босқич ҳисобланадиган олий таълим инсоннинг шаклланишида, жамиятга интеграциялашувида, мутахассислик олишида асосий омил ҳисобланади. Афсуски, бу тизимда ҳам ечимини кутаётган бир қанча хатокамчиликлар муаммолар тўпланиб қолганди. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълимнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи, ходимлари меҳнатини рағбатлантириш тизими паст даражада эди. Шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидаги замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологиялари бошқаруви, ўқув-жараёнини ташкил этиш, дастурий воситаларни таълим мазмунига сингдириш масалалари талаб даражасида эмасди.

Президентимиз ана шундай мураккаб муаммолар қаршисида ўйланиб, иккиланиб қолмагани эътирофга лойиқ. Давлатимиз раҳбари қатъият ва изчиллик билан, бутун салоҳиятини ишга солиб, уларни ҳал этишга киришди. Ҳар бир оила, ҳар бир бола ҳаёти мактаб билан боғлангани, бу масала давлатнинг, жамиятнинг энг муҳим иши эканини қайта-қайта таъкидлади. Инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармаслиги, жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмаслигини уқтирди.

Кейинги беш йил мобайнида бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Ўтган йилдан кучга кирган “Таълим тўғрисида”ги қонун маориф соҳаси тараққиётида янги уфқларни очиб беряпти. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга

рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Таълимнинг барча тизимларида мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилгани эса алоҳида диққатга сазовор.

Мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бу соҳага бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустақкам замин яратади. Шулар инобатга олиниб, юртимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Ҳозирда йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. 2017 йилда юртимизда 5 минг 211 та боғча фаолият юритган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони 19 минг 316 тага етди. Шуларнинг 13 мингдан ортиғи нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир.

## МУҲОКАМА ВА НАТЖАЛАР

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши икки баробар кўпайтирилди. Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган муаллимлар сони ошиб борапти. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин камайтирилди. Устоз ва мураббийларга қаратилаётган эътибор туфайли қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди.

Халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Илгари олимпиадада олтин ёки кумуш медаль олса, совриндор ўқувчига ҳам, уни тайёрлаган ўқитувчига ҳам нари борса битта фахрий ёрлик бериларди. Ҳозир улар миллионлаб пул мукофоти билан тақдирланмоқда.

Мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш масалаларига ҳам эътибор берилляпти. Энди мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Шу билан бирга, хусусий таълим тизимига кенг йўл очилмоқда. Бу борада лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Ўтган уч йил давомида уларнинг сони 6 марта ошиб, 140 тага етгани диққатга сазовордир. Шулар қаторида президент мактаблари ва ихтисослаштирилган ҳамда ижод мактаблари ташкил этилди.

Олий таълим тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ҳам бугунги кунга келиб ўз натижаларини бермоқда. Сўнгги беш йилда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. 10 та нодавлат ҳамда 26 та хорижий ОТМ филиаллари ташкил этилди. Олий ўқув юртлири моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Сўнгги 3 йилда бунинг учун 2,5 триллион сўм йўналтирилди. Қабул квоталари 3 бараварга ортиб, 66 мингтадан 181 мингтага етказилди.

Истеъдодли ёшларни тарбиялаётган, илмий раҳбарлик қилаётган олимларга мукофотлар жорий этилди. Мухтасар айтганда, Президентимиз олимларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни энг олий даражага етказди.

Яна бир эътиборга молик ўзгариш: аҳоли хоҳиш-истагидан келиб чиқилиб, сиртқи ва кечки таълим шакллари қайта тикланди.

Маориф соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, янгилашларни яна узоқ баён қилиш мумкин. Лекин юқорида келтирилганларининг ўзиёқ бор-йўғи бир неча йил ичида нечоғли катта ижобий ўзгаришлар юз берганидан далолат бермоқда. Энг муҳими, тизимни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар давом этмоқда ва бу жараён келгусида ҳам тўхтамайди. Президентимизнинг яқинда чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида қайд этилганидек, “Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги ҳаётий заруратлар ва уларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўлмоқда”[4]. Мазкур китобда, шунингдек: “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги уйғониш даври, яъни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик” [4] деган фикрга ҳам урғу берилган. Янги Ўзбекистон стратегияси таълим соҳасида ҳам янги, юксак босқични бошлаб бермоқда.

Яқин истиқболда фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича аниқ давлат дастурлари қабул қилинади. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 бараварга оширилиб, 100 фоизга етказилади.

Шунинг баробарида хусусий мактаблар тизимини янада такомиллаштириш, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2030 йилда 60-70 фоизга етказилади.

Мамлакатимизда янги олий таълим муассасалари, жумладан, хорижий университет ва институтларнинг филиаллари ташкил этилиб, уларнинг сони 200 тага етказилади.

Бутун узлуксиз таълим тизимини хукукий тартибга солишга қаратилган яхлит Таълим кодекси ишлаб чиқилади.

“Афсуски, айрим калтабин мулозимларнинг “Ижтимоий фанлардан фойда йўқ” кабилидаги ножўя қарашлари оқибатида ушбу фанларнинг салмоғи ва сифатини тушириб юборишга йўл кўйилди. ... Ижтимоий фанларга эътибор бермаслик оқибатида ... бугунги кунда чет элларда “бой берилган авлод” дея аталаётган ёшлар авлоди бизда ҳам вужудга келмайдими?”. “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида ана шундай савол, масала қўйилади ва унинг ечими ҳам тилга олинади. Яъни, “2022-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” [4, 236] яратилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги билдирилади.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, таълим соҳасида яна кўплаб ислохотларни амалга ошириш режалаштириляпти. Пировард мақсад эса ягона – ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш. Зеро, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2019. - 75 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – Б.106.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. – Б.59.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2021. – 464 б.
5. Гаффарова Г.Г., Абдуллаева М.Н. (2017). Сложность в современной философии // Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха. №3, - С.99-102.
6. Makhmudova G., G'affarova G., Jalalova G. (2020). O'zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
7. Gaffarova G.G, Saydaliyeva N.Z. (2020). The influence of social networks on youth thinking and activity. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. 6 (5), 105-108.



8. Gaffarova, G.G.; Jalalova, G.O. (2021). Human capital as the basis of society development. ISJ Theor. Appl. Sci., 4, 455–460.
9. Гаффарова, Гулчеҳра Ғуламжановна. (2020). Когнитив жараёнда аутопоэзис назарияси. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар: Республика миқёсида 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. 193-196.
10. Гаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.

